

ИНГЛИЗ ТИЛИНИ ЎҚИТИШ ЖАРАЁНИДА НОМУТАХАССИС ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ КОММУНИКАТИВ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МОТИВАЦИОН МОҲИЯТИ

Эльвира Турсунназарова

Низомий номидаги ТошкентДПУ “Хорижий тиллар” факультети Инглиз тили ўқитувчиси,
мустақил изланувчи

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7036643>

Аннотация. Мақолада бугунги кунда номутахассис ўқитувчининг умумий маданиятининг педагогик фаолият самарадорлигини оширувчи омил сифатида тадқиқ қилишга бағишланган тадқиқотларда, малака ошириш тизимида ўқитувчиларнинг ижтимоий-педагогик йўналган фаолиятини тадқиқ қилиш, ўқитувчининг касбий фаолиятида маънавий-ахлоқий қадриятларнинг ўрни каби муаммолар ва уларнинг ечимларини топишга эътибор қаратилган.

Калит сўзлар: мотивация, мнемоника усуллари, мотив, ташиқи мотивация, ички мотивация, барқарор ва барқарор бўлмаган мотивация, когнитив мотивация, индивидуал мотив, гуруҳий мотивация.

МОТИВАЦИОННАЯ СУЩНОСТЬ РАЗВИТИЯ КОММУНИКАТИВНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ УЧИТЕЛЕЙ-НЕСПЕЦИАЛИСТОВ В ПРОЦЕССЕ ОБУЧЕНИЯ АНГЛИЙСКОМУ ЯЗЫКУ

Аннотация. В статье основное внимание уделяется исследованиям, посвященным изучению общей культуры учителя как фактора, повышающего эффективность педагогической деятельности, исследованию социально-педагогической деятельности учителей в системе повышения квалификации, изучению таких проблем, как роль духовно-нравственных ценностей в профессиональной деятельности учителя и их решения.

Ключевые слова: мотивация, мнемонические приёмы, мотив, внешняя мотивация, внутренняя мотивация, устойчивая и неустойчивая мотивация, познавательная мотивация, индивидуальный мотив, групповая мотивация.

MOTIVATIONAL ESSENCE OF THE DEVELOPMENT OF COMMUNICATIVE ACTIVITY OF NON-SPECIALIST TEACHERS IN THE PROCESS OF TEACHING ENGLISH

Abstract. The article focuses on research devoted to the study of the general culture of the teacher as a factor that increases the effectiveness of pedagogical activity, the study of socio-pedagogical activity of teachers in the system of professional development, the study of such problems as the role of spiritual and moral values in the professional activity of teachers and their solutions

Keywords: motivation, mnemonics, extrinsic motivation, intrinsic motivation, sustainable and unstable motivation, cognitive motivation, individual motive, group motivation.

КИРИШ

Хар қандай жамиятнинг равнақи, ижтимоий, сиёсий, иқтисодий барқарорлиги шу мамлакат фуқароларининг интеллектуал, ахлоқий салоҳиятини юксак даражада ривожланганлигига боғлиқ. Зеро, жамиятимизнинг маънавий янгиланишида, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти шакллантиришда жаҳон ҳамжамиятига қўшилишини таъминлайдиган демократик ҳуқуқий давлат қуриш масаласи устувор мезон сифатида

муҳим роль ўйнайди. Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев ўзининг “Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қурамыз” асарида ҳар бир фуқаронинг ватанпарвар ва юртпарварлик фазилатларига эга бўлиши, она юртини чин қалбидан севиши ва ардоқлаши, эл-юрти учун ўзини аямаслиги, бу йўлда жонини ҳам фидо қилишига тайёр бўлиши лозимлигини уқтиради. Шундай экан, замонавий ўқитувчи тарбиялаётган ёш авлодда айнан шундай сифатларни - иймон-этиқоди мустаҳкам, иродаси бақувват, ор-номусли, ҳаром-хариш ишлардан ҳазар қиладиган, изланувчан, ташаббускор, тадбиркорлик фазилатига эга бўлган, ташкилотчи, талабчан ва қатъиятли шахсларни шакллантириши лозим. Буларнинг барчаси жаҳон таълими тизимини ва замонавий педагогика фанини алоҳида муҳим мақсад - илмий ва техникавий тараққиётнинг тез суръатлар билан ривожланиб бориши билан боғлиқ жамият ривожланишининг сифат жиҳатидан янги босқичида фаол иштирок этишга қодир бўлган янги авлодни тарбиялаш ва тайёрлашга қаратилган.

Инглиз тилини ўрганиш жараёнида номутахассис ўқитувчиларнинг мотивациясини шакллантириш ҳамда мнемоника усулларида фойдаланиш орқали уларнинг тил ўзлаштиришга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида мнемоника усулларида фойдаланиш тизимини такомиллаштириш масалалари долзарб эканлигининг гувоҳи бўламиз, чунки, мактаб битирувчилари чет тилларни пухта эгаллашга киришиб, юқори кўрсаткичларни кўрсатаётган бир пайтда, уларга таълим бераётган ўқитувчилар ҳам инновацион фаолият жараёнида ўзининг кенг дунёқараши, чуқур фикрлаши, узоқни кўра билиш қобилияти, хориж тилларида эркин сўзлаша олиши, янгиликларга тайёр бўлиши лозим.

Инглиз тилини ўқитиш жараёнида номутахассис ўқитувчиларнинг мотивациясини шакллантиришда мнемоника усулларида фойдаланиш тизими асосини стандартлар, ижтимоий буюртма ҳамда меҳнат бозорида мутахассисларга қўйилган эҳтиёж, методологик ёндашув ташкил этиб, унинг функционал сруктурасини модель предметларининг ўзаро мантқан боғлиқлиги, алоқадорлигини ёритиб бериши, моделлаштириш субъектлари ва таълим жараёни иштирокчиларининг таълим муҳитидаги боғлиқлигини тақозо қилади.

ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Инглиз тилини ўқитиш жараёнида номутахассис ўқитувчиларнинг коммуникатив фаолиятини ривожлантиришнинг мотивацион моҳиятини ўрганиш мақсадида, биз тадқиқот доирасида “мотивация”, “мотив”, “мнемоника” каби категорияларни чуқур тадқиқ этдик.

Мотивация (лот. *movēre* – “ҳаракат қилиш”) - ҳаракатга туртки; инсон хулқ-атворини бошқарадиган, унинг йўналишини, ташкилотчилиги, фаоллиги ва барқарорлигини белгилайдиган психофизиологик жараён. Мотивация инсоннинг ўз эҳтиёжларини фаол равишда қондириш қобилиятидир. Илк маротоба "мотивация" атамаси А.Шопенгауэрнинг мақоласида ишлатилган.

Агар, инглиз тилини ўрганиш жараёнида ахборот номутахассис ўқитувчиларнинг олдинги билимлари билан боғланмасдан тақдим этилса, у тез хотирадан йўқолади. Шу ўринда мнемоника усулларида фойдаланиш қўл келади.

Мнемоника - (юнон тилида: *mnemonic* – «хотирада сақлаш санъати»)- сунъий ассоциацияларни шакллантириш орқали хотирани ёдлашга ва хотира коэффицентини

оширишга ёрдам берадиган методлар ва усуллар мажмуи. Номутахассис ўқитувчиларнинг малакасини ошириш тизимининг таҳлили мазкур тайёргарликнинг табақалаштирилган тарзда олиб борилаётганини кўрсатди. Дунё бўйича уларнинг бир неча турлари мавжуд: тажрибасиз ўқитувчилар учун педагогик фаолият бошланишидаги сиртқи ёки масофавий шаклдаги бошланғич таълим; тажрибали (одатда мактабда катта тажрибага эга бўлган), лекин малакасиз ўқитувчилар учун бошланғич таълим; педагогик тажрибага эга бўлмаган дипломли мутахассисларга қўшимча педагогик таълим (мактабда стажировка шаклида ва қўшимча курсларда); педагогик маълумот ва тажрибага эга бўлган малакали ўқитувчиларнинг кейинги давомий таълими. Шу сабабли, инглиз тилини ўқитиш жараёнида номутахассис ўқитувчиларнинг мотивациясини шакллантиришда мнемоника усулларида фойдаланиш хорижий сўзларнинг "оддий эсдалик" га ёки у учун ҳеч қандай маънони англатмаган кўп тартибли қоидага мослаштирилмаган тизимини ишлаб чиқишдан иборат бўлмай, балки, мия ўнг ярим шарининг доминантлиги асосида мнемотехникага оид сўзлар ва қоидалар учун тил ўзлаштиришни билдиради.

Инглиз тилини ўқитиш жараёнида мнемоника усуллари таълим жараёнига татбиқ қилиш тил ўрганувчиларининг ички эҳтиёжи, майли истаги, яъни мотивацияси асосида кечади.

Мнемоника усуллари - мотивация босқичида фаолиятнинг бир нечта билим берувчи муҳим турларини амалга оширишга йўналтирилган методларнинг компоненти, қисми.

Инглиз тилини ўқитиш жараёнида номутахассис ўқитувчиларнинг мотивациясини шакллантиришда мотивлар ҳам муҳим ўрин эгаллайди.

Мотив ("motive"- француз тилида: "ундовчи куч", "сабаб" деган маънони билдиради). - бу субъект учун якуний (натижавий) қийматни ифодаловчи, унинг фаолият йўналишини белгилайдиган, унга эришиш фаолиятининг маъносини англатадиган моддий ёки идеал объект.

Инглиз тилини ўрганиш жараёнида мотивация ташқи ва ички мотивация турларига ажратилади.

Ташқи мотивация (экстринсив ташқи) - бу маълум бир фаолиятнинг мазмуни билан боғлиқ бўлмаган, лекин субъект учун ташқи ҳолатлар билан боғлиқ бўлган мотивация.

Ички мотивация (интринсив) - ташқи шароитлар билан эмас, балки фаолиятнинг мазмуни билан боғлиқ мотивация.

Барқарор ва барқарор бўлмаган мотивация. Инглиз тилини ўрганиш жараёнида номутахассис ўқитувчиларнинг эҳтиёжларига асосланган мотивацияси барқарор мотивация сифатида баҳоланиши мумкин. Инглиз тилини ўрганиш жараёнида мотивациянинг бир нечта асосий турларини кўрсатиш мумкин:

Когнитив мотивация: билим эгаллаш, изланув ҳаракати, ўйин фаолияти;

индивидуал мотивация: изланишга чанқоқлик; нуфузга интилиш;

Гуруҳий мотивация: гуруҳ иерархиясида жой қидириш; ушбу турга хос бўлган жамият тузилишини сақлаб қолиш;

Инглиз тилини ўқитишнинг муҳим муаммоларидан бири бу номутахассис ўқитувчиларнинг касбий масалаларни ечишга ижодий ёндашиши учун ўзлаштирилган

билим ва эгалланган кўникма ҳамда малакалар, компетенцияларни қўллашга ўргатиш, шунингдек уларнинг билимларини формал ўзлаштиришига йўл қўймасликдир.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Гарова Вера Львовнанинг «Особенности методики преподавания английского языка в учебных заведениях Австралии» мавзусидаги 13.00.02-ихтисослигидаги педагогика фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун бажарган диссертациясида (РФ, ВАК, 2017) Австралияда инглиз тилини ўқитиш муаммолари ва уларни ҳал этиш ечимлари хусусида фикр билдирилган. Олима тадқиқотда бугунги кунда инглиз тилини юқори даражада ўқитишни таклиф этаётган етакчи мамлакатлар орасида биринчи навбатда Буюк Британия, АҚШ, Канада, Австралия ва Янги Зеландияни кўрсатиб ўтади.

Х.А.Маматкуловнинг “Педагогларда хорижий тиллар бўйича касбий компетентликни ривожлантиришнинг ахборот-методик таъминотини такомиллаштириш” мавзусидаги докторлик диссертациясида ўқитувчининг умумий маданиятини тилларни ўзлаштириш, хусусан, инглиз тилини профессионал даражада билиш, ижтимоий-педагогик ҳодиса сифатида талқин этилган.

Рус олимаси М.В.Селиверстованинг “Формирование управленческих компетенций учителя в условиях развития современного образования” мавзусидаги докторлик диссертациясида: “ўқитувчиларнинг маънавий-ахлоқий ривожланиш даражаси уларнинг касбий компетентлигига катта таъсир кўрсатиши, замонавий ўқитувчининг касбий компетенциясини дидактик қобилиятлар билан бирга юксак маънавиятлилик ва маданиятлилик ташкил этиши” ҳақида фикр баён этилган. Булар қуйидагиларда намоён бўлади: ўқитиш муҳитини яратиш; мавзу мазмунини ёритишни режалаштириш; ўқув жараёнини бошқариш; ўз ютуқлари ва ривожланишларини баҳолаш; мотивацион фаолиятни ташкил этиш”,- деган фикрни билдиради. Муаллифнинг фикрига қўшилган ҳолда, ўқитувчиларнинг индивидуал эҳтиёжлар ва малака талаблари асосида касбий маҳорат даражаси ва сифатини оширишга қаратилган замонавий ёндашувлар, инновацион технологиялар, соҳага оид янги компетенцияларни ўзлаштириш, шу жумладан, инглиз тилини ўрганиш асосидаги интеграциялашган жараён сифатида қаралади, деб таъкидлаш мумкин.

МУҲОКАМА

Инглиз тилини ўрганиш жараёнида номутахассис ўқитувчиларнинг мотивациясини шакллантиришда коммуникатив компетенциянинг аҳамияти салмоқлидир.

Коммуникатив компетенция (communicative competence) термини илк бор 1972 йилда америкалик тилшунос D.Hymes томонидан қўлланилган. Иккинчи тилни ўргатишда коммуникатив компетенцияни шакллантириш масалалари эса 1980 йилда M.Canale ва M.Swaine томонидан тадқиқ қилинди.

Ўзбекистон Республикасида таълимнинг барча босқичларида чет тилини ўқитишнинг асосий мақсади ўрганувчиларнинг кўп маданиятли дунёдаги кундалик, илмий ва касбга оид соҳаларда фаолият олиб бориш учун чет тилида коммуникатив компетенциясини шакллантиришдан иборат.

Номутахассис ўқитувчиларнинг *чет тили бўйича коммуникатив компетенцияси* – ўрганилаётган чет тили бўйича эгаллаган билим, кўникма ва малакаларни мулоқот жараёнида қўллаш қобилиятидир.

Лингвистик компетенция тил материали (фонетика, лексика, грамматика) ҳақида билимлар ва нутқ фаолияти турлари (тинглаш, гапириш, ўқиш ва ёзиш) бўйича кўникмаларни эгаллашни назарда тутди.

Социолингвистик компетенция сўзловчининг бирор бир нутқий вазият коммуникатив мақсад ва хоҳиш-истагидан келиб чиққан ҳолда керакли лингвистик шакл, ифода усулини танлаш имконини яратади. Социолингвистик компетенция ижтимоий-маданий компетенцияни ўз ичига олиб, аутентик нутқнинг миллий хусусиятларини: ўзи яшаётган мамлакатнинг урф-одатлари, кадриятлари, маросимлари ва бошқа миллий-маданий хусусиятларини билиш ҳамда тили ўрганилаётган мамлакат билан таққосланган ҳолда тақдим эта олиш қобилиятини кўзда тутди.

Номутахассис ўқитувчиларда *прагматик компетенция* ўрганилаётган инглиз тилида коммуникатив вазиятда тушунмовчиликлар пайдо бўлганда такроран сўраш, узр сўраш ва ҳоказолар орқали дискурс компетенцияси прагматик компетенция таркибига киритилади. Мазкур компетенция оғзаки ва ёзма нутқдаги изчиллики таъминлашда лингвистик сигналларни тушуниш ва интерпретация қилиш кўникмаларини назарда тутди.

Хорижий мамлакатларда коммуникатив компетенциянинг ривожланишида *прагматик компетенция* ўрни ва аҳамияти анча юқори қўйилади. Прагматик компетенция тил таълими жараёнида ҳосил бўлган билим ва кўникмалар асосида кундалик ҳаётда нутқий вазиятган қараб мустақил тарзда мулоқотга киришиш лаёқати шаклланганлигини кўрсатади. Жумладан, мулоқот вазиятларида тушунмовчиликлар юзага келганида такроран сўраш, узр сўраш ва шу қабилар воситасида қийин ҳолатлардан чиқиб кета олиш, ўзаро суҳбатлашиш, суҳбатга кўшилиш ва унга аниқлик киритиш, нутқ темпини пасайтиришга ундайдиган муомала одоби воситаларини қўллаш, олинган билимларнинг амалий имкониятларидан ўринли фойдаланиш лаёқатини шакллантириш назарда тутилади. Ушбу компетенцияни касбга йўналтирилган педагогик технологиялар ўрдамида, хусусан, интерактив методга асосланган касбий ўйинлар ва диалоглар ёрдамида ривожлантириш катта самара беради.

ХУЛОСА

Шундай қилиб, инглиз тилини ўқитиш жараёнида номутахассис ўқитувчиларнинг коммуникатив фаолиятини ривожлантиришнинг мотивацион моҳияти коммуникатив, лингвистик характердаги билимлар (тилга оид компетенция) билан бир қаторда экстралингвистик билимларни ҳам назарда тутди. Шу асосда номутахассис ўқитувчиларнинг коммуникатив фаолиятини ривожлантиришнинг мотивацион структурасини ҳосил қиладиган субкомпетенцияларни иккига, яъни экстралингвистик ва асл лингвистик компетенциялар гуруҳига ажратиш мумкин. Биринчи гуруҳ субкомпетенциялар тилда акс эттирилган ўраб турган олам предметлари ҳақидаги билимлар, яъни сўзловчи онгида шаклланган дунёнинг манзарасини гавдалантирадиган предметли компетенцияни ўз ичига олса, нолисоний характердаги билимлар коммуникатив вазият, мулоқот шароитларини билишни ўзида мужассамлаштиради.

REFERENCES

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. –Тошкент: Ўзбекистон, 2016. –56 б.
2. Шопенгауер А. Мотивация: Четыре принципа достаточной причины.-М.; Торговый дом гранд, 2007.-458с.
3. Гарова Вера Львовна. Особенности методики преподавания английского языка в учебных заведениях Австралии.Дисс...на соискание уч.ст.кан.пед.наук. (РФ, ВАК)-М.; 2017.-146с.
4. Маматкулов Х.А. Педагогларда хорижий тиллар бўйича касбий компетентликни ривожлантиришнинг ахборот-методик таъминотини такомиллаштириш: Пед. фан. бўй. фал. д-ри (PhD) ... дисс. автореф. – Т.: 2018. – 47 б.
5. Селиверстова М.В. Формирование управленческих компетенции учителя в условиях развития современного образования: дисс. ... канд.пед.наук. -Ижевск, 2018. -212с.
6. Юсупова М.А. Бўлажак инглиз тили ўқитувчиларини ўқув жараёнида лойиҳа технологиясидан фойдаланишга ўргатиш тизими/ педагогика фанлари бўйича фалсафа фанлари доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун 13.00.02-Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (инглиз тили) дисс...автореф. -Т.;2021.29-б.